БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 127 (2160).
29 ИЮНЬ ЖУМА
1962 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ КПСС ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УНИНГ ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ БОШЛИҚ ПРЕЗИДИУМИ АТРОФИГА МАҲКАМ ЖИПСЛАШГАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ БУ ЙИЛ ВАТАНГА 3 МИЛЛИОН 350 МИНГ ТОННА ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ШУНИНГДЕК ГЎШТ, СУТ, САБЗАВОТ, КАРТОШКА, ПИЛЛА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУН КУЧИНИ САРФЛАЙДИ, ДЕБ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ 1962 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ III ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, бундан буён ҳам биринчи навбатда индустрияни ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил юксалтириб боришни таъминлаётганини зўр қониқиш билан қайд қилади. Қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш, халқ учун зарур бўлган маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш Коммунистик партиянинг доимо диққат марказида турибди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати сўнгги йилда колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган бирмунча муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Қишлоқ хўжалигига йил сайин кўп капитал маблағ сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар, ёнилғи, қурилиш материаллари, металл ва металл буюмлар нархи камайтирилди ҳамда колхозлар учун даромад солиғи юзасидан имтиёзлар берилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш мақсадида шу йилнинг биринчи июнидан бошлаб гўшт ва ёғнинг харид нархлари оширилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бутун совет халқи қўллаб-қувватлаган барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаатида жуда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, бу тадбир колхоз тузуми учун катта маладдир ва у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтиришга имкон беради.

Партия томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш жуда катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарори асосида тузилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг пастдан юқоригача бир бутун системаси ҳар бир совхоз ва колхозга ташкилий таъсирни кучайтириш, партия XXII съезди томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни тезроқ ҳал қилиш имконини беради.

Партия ва ҳукуматнинг мамлакат экономикасини муттасил ривожлантириш, аҳоли учун маҳсулотларни ва саноат учун эса хом ашёни мўл-кўл вужудга келтириш тўғрисидаги ғамхўрликларидан руҳланган, халқимизнинг буюк ишларидан илҳомланган совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари «Бугун кўпроқ иш қилиш — эртага кўпроқ нарсага эга бўлиш демакдир» деган шиор остида социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар.

Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш йилик планини муддатидан илгари бажарди, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни муваффақиятли адо этди. Транспорт ва алоқа ходимлари олга қараб янги қадам ташладилар. Республикада капитал қурилиш ишлари бирмунча яхшиланди.

Республика колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорини бажара бориб, экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқдилар, пахтазорларни кенгайтирдилар ва бу йилги баҳорнинг оғир келишига қарамай, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли чигитни уюшқоқлик билан ва қисқа муддатда экиб олдилар. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати туфайли табиий офат оқибатлари тезда тугатилди, экин нобуд бўлган ерларга қайта уруғ ташланди, ола чиққан жойларга ўз вақтида чигит экилди ва бир текис соғлом ундириб олинди. Кўпгина колхозлар ва совхозлар техника ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиб, экиналарни парвариш қилишни тўғри ташкил этдилар, ўсимликнинг ривожланишидаги кечикишни тугатдилар. Катта майдонларда ғўза ялпи гуллаш олдида турибди.

1-«Боёвут», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Совой», «Малик», «Сурхон» совхозлари. Юқори Чирчиқ райони колхозлари, Пискент районидаги Хрушчев номли, Янгиер районидаги «Коммунизм», Ленин районидаги «Ўзбекистон», Янгиқўрғон районидаги «Москва», Олтиариқ районидаги Карл Маркс номли, Қува районидаги «Коммунизм», Қизилтепа районидаги «Бухоро», Ромитан районидаги «Коммунизм», Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Тўрткўл районидаги Максим Горький номли, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат—роҳат» колхозлари ва бошқа кўплаб ҳўжаликларнинг пахтакорлари ҳар қандай шароитда ҳам олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун ишни намунали ташкил қилмоқдалар.

Бу йил колхоз ва совхозлар озуқабоп қимматли экинлар — маккажўхори, нўхат, қанд лавлаги майдонини кенгайтирдилар, ғўшт ва тухум тайёрлаш ярим йиллик плани ва қоракўл тери тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Бухоро ва Сурхондарё областлари пилла етиштириш планини баҳорги қурт боқиш ҳисобига анча ошириб бажардилар. Бухоро области пиллачилари пилла етиштиришда етти йиллик охирига белгиланган даражадан ўзиб кетдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми ана шундай ютуқларга қарамай, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари даражаси КПСС Марказий Комитети март Пленуми талабларига, пахта, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан 1962 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш вазифаларига жавоб бера олмаслигини таъкидлайди.

Кўпгина область ва район партия комитетлари, область партия комитетларининг партия ташкилотчилари ўзларининг ёмон ишларига об-ҳавони ва бошқа объектив сабабларни баҳона қилиб кўрсатишга уринаётган колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, улардан манжуд ишчи кучлари ва моддий техника ресурсларидан ғўза парваришини кучайтириш учун тўла фойдаланишни қатъий талаб қилмаётирлар. Бунинг натижасида социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ўзаро текширишда аниқланганидек, колхоз ва совхозларнинг анчагина қисмида ғўза ривожланишдан жуда орқада қолмоқда, у бегона ўт орасида қисилиб ва нимжон бўлиб ётибди.

Марказий Комитет пленуми пахта майдонларида ташвишли аҳвол юз берган ҳозирги шароитда колхоз ва совхозларда мавжуд ишчи кучлари ва бой техникадан қониқарсиз фойдаланишга йўл қўйиш асло мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг анчагина қисми шу пайтгача ғўза парваришига жалб қилинмаган; ҳамма чопиқ агрегатларини ишга солиш чоралари кўрилмаган. Бунинг устига кўпгина механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари белгиланган нормаларни бажармаётирлар ва сифатсиз иш қилмоқдалар.

Бир қатор колхоз ва совхозларда трактор культивацияси ва ғўзани озиқлантириш жуда суст ўтказилмоқда ва кўпинча бу ишлар сифатсиз бажарилмоқда, ўсимликларни сақлаб қолиш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кам майдонда кўндалангига культивация ўтказилди, экинларни озиқлантириш вақтида кўпинча агротехника қоидаларига риоя қилинмаяпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш яхши ташкил этилмаган.

Кўпгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари сув кам бўлган бу йилги шароитда сув ресурсларидан рационал фойдаланишга бепарволик билан қарамоқдалар, сувчиларнинг ишини яхши ташкил этмаганлар, уларнинг унумли ишлаши учун зарур шароит яратиб бермаганлар, сувдан кўпинча эгасизларча фойдаланилмоқда. Экин анча кечиктириб, сифатсиз суғорилмоқда, сувдан фойдаланиш коэффициенти жуда паст. Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми буни бутунлай нотўғри деб ҳисоблайди.

Самарқанд, Андижон областларида ва Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек Оққўрғон, Гулистон, Комсомол, Куйбишев, Фарғона, Қува, Қўқон, Фрунзе, Навоий, Когон, Бухоро, Термиз, Ангор, Қарши, Шовот, Гурлан ва бошқа бир қатор районларда ғўза парваришининг аҳволи айниқса жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Кўпгина район ва область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари баҳорги экиш планини шу вақтга қадар бажармай иштизомсизлик қилдилар. Сув хўжалиги министрлиги, «Главголодностепстрой», Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, область партия ва совет органлари сув хўжалиги қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш планларини қониқарсиз бажармоқдалар. Бу йил экин экиш учун янги ер очиш плани Андижон областида 83,6 процент, Қорақалпоғистон АССРда 83 процент, Тошкент областида 73,5 процент, Сурхондарё областида 36,4 процент, Хоразм областида 21,9 процент, Бухоро областида эса атиги 12,4 процент бажарилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, айрим область ва район партия комитетлари, область партия комитетларининг партия ташкилотчилари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачилик юзасидан 1962 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни зарур ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамлаётирлар. Моллар, айниқса сигирлар сони жуда секин кўпаймоқда. Маҳсулдорлик эса паст. Ўрғочи моллар ҳамон кўплаб қисир қолмоқда, молларнинг нобуд бўлишини тугатиш учун тегишли чоралар кўрилмаётир. Шунинг учун ҳам бир қатор районларда ғўшт тайёрлаш қониқарсиз бормоқда, давлатга сут сотиш соҳасида эса ташвишли аҳвол юз берди.

Чорвачилик ишларини механизациялаш 1962 йил плани ёмон бажарилмоқда, ўрнатилган кўпгина сут соғиш установкалари бекор турибди, колхоз-совхозларга келтирилган ускуналарнинг кўпидан фойдаланилмаяпти. «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси, унинг жойлардаги органлари фермаларда ишларни механизациялаш соҳасида колхоз ва совхозларга ёрдам бермаётирлар.

Чорвачиликдаги энг муҳим нарса озуқа ҳисобланади. Бироқ айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинларни экиш планларининг бажарилишини таъмин этмадилар, бу экинларни парвариш қилиш қониқарсиз ташкил этилган, беда ва табиий пичан тайёрлаш ҳамда силос бостиришга ҳозирлик кўриш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст бормоқда. Пичан ўриш техникасидан ёмон фойдаланилмоқда.

Кўп хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ва емхашак таннархини камайтириш учун етарли кураш олиб борилмаяпти.

Дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, давлатга сотишда ҳам катта камчиликлар юз бермоқда, донинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, колхоз ва совхозларнинг кўпгина раҳбарлари сабзавот-полиз экинлари, картошка ҳамда токлар ва мевали дарахтлар парваришини яхши ташкил этмаганлар. Сабзавот ва мева тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳам яхши тартиб ўрнатилмаган.

Пленум таъкидлайдики, айрим ишлаб чиқариш территориал бошқармалари колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳалигача етарли таъсир ўтказмаётирлар, хўжаликларнинг раҳбарларига оқилона маслаҳатлар бермаётирлар, бу йилги қийин шароитдан келиб чиққан масалаларни ҳал қилишдан ўзларини четга олмоқдалар, ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни тугатиш юзасидан, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун курашда зарур ташкилотчилик ишларини олиб бормаётирлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва унинг область бошқармалари ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишига етарли ёрдам бермаяпти.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, унинг илмий текшириш институтлари ва область тажриба станциялари, таянч-намуна хўжаликлари янги илғор усулларни колхоз, совхозларнинг амалий ишига жорий этишда етарли активлик кўрсатмаётирлар.

Область партия комитетлари, область партия комитетларининг партия ташкилотчилари ва кўпгина район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш-молия фаолиятини анализ қилиб боришга етарли эътибор бермаётирлар, жамоат бойлиги ва давлат маблағларини ўғирлаш ва талон-торож қилишга қарши етарли кураш олиб бормаётирлар, колхоз ва совхозларнинг маъмурий бошқарув аппарати ва хизматчилар штатида, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда ортиқчаликларга бефарқ қарамоқдалар, қишлоқ хўжалик артели Уставига ва колхозларнинг ишини бошқаришнинг демократик асосларига риоя қилиниши устидан қониқарли контроль қилмаётирлар. Колхозчиларга аванслари, совхоз ишчиларига иш ҳақини ўз вақтида бермаслик фактлари жуда кўп учрамоқда. Давлат банки республика конторасси колхозчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган пулнинг сарфланиши устидан ёмон назорат қилмоқда.

Пленум кўпгина область ва район партия комитетларининг, шунингдек бошланғич партия ташкилотларининг агитация ва оммавий-сиёсий ишлари савияси колхозлар ва совхозлар олдига қўйилган вазифаларга ҳали тўла жавоб бермайди, деб ҳисоблайди. Кўпгина колхоз ва совхозларда давла шийпонлари ҳали ҳам оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирилмаган, лекциялар, докладлар, суҳбатлар камдан-кам ўтказилади, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига кино хизмати кўрсатиш ёмон ташкил этилган, ҳамма жойда ҳам колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумли меҳнат қилиши учун зарур шароит яратиб берилган деб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. Барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини бу йил мамлакатга 3 миллион 350 минг тонна пахта бериш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажариш учун курашга, шунингдек ғўшт, сут, сабзавот, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш учун курашга сафарбар этиш республика партия ташкилотининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, область партия комитетларига область партия комитетларининг партия ташкилотчиларига, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларига, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ғўзанинг ривожидаги кечикишни тугатиш учун қўшимча чоралар кўриш, бунинг учун барча мавжуд меҳнат ва моддий техника ресурсларидан фойдаланиш топширилсин.

Пахта далаларида унумли меҳнат қилинишига эришиш ва шу йўл билан ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тугатиш, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказиш ва бу йил пахтадан мўл ҳосил олишига эришиш лозим. Ҳар бир область, район, колхоз ва совхозда пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг ҳамда давлат планининг бажарилишини таъмин этиш республика партия ташкилотининг шарафли ишидир.

2. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, бошланғич партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига август ойининг бошларида ҳар туп ғўзада камида 5-6 тадан, пахта йиғим-терими давригача эса 10-12 тадан бўлиб «ўсак бўлишини таъминлаш учун ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган ишларни намунали ташкил этиш юклатилсин.

Мўл ҳосил учун курашнинг қизғин, ҳал қилувчи ҳозирги даврида меҳнатга қобилиятли ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси далада фидокорона ишлаши, ишни сифатли бажарган ҳолда кундалик нормани тўла ва ошириб бажариши керак.

Барча моддий техника ресурслари ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, ғўза парвариши суръатини кучайтириш, озиқлантиришни органик ва минерал ўғитлар аралашмаси билан агротехника жиҳатидан тўғри ўтказилишига эришиш, экинни кечаю кундуз суғориш, ғўзанинг ривожидаги кечикишни тезроқ тугатиш, вегетация даврларининг ўтишини тезлаштириш, гул ва шоналарнинг мумкин қадар кўп бўлишига эришиш учун ғўза парваришни билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар сифатини тубдан яхшилаш керак.

Йиғим-теримга қадар ғўза туплари нинг тўла сақланишини таъминлаш, ўсимликларнинг сақланиб қолиши мўл ҳосил олишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири эканлигини кўзда тутиб, бунинг учун бригадирлар, механизаторлар ва сувчиларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Сув хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари сув ресурсларини кўпайтириш, суғоришда ер ости сувлари ва оқава сувлардан тўғри ва максимал фойдаланиш, ҳамма насосларни кечаю кундуз ишлатиш юзасидан бу йил учун белгиланган барча тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини ва оз сув билан мўл ҳосил етиштириш шиорининг амалда бажарилишини таъминлашлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми ҳосилни ҳозир кенг тарқалган қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан сақлаш шу кунларда партия, совет, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг диққат марказида туриши керак деб ҳисоблайди.

Ҳашаротларга қарши курашда барча трактор аппаратларини, отга қўшиб ишлатиладиган ва қўл аппаратларини ҳамда авиацияни дарҳол ишга солиш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ўчоқларини йўқ қилиб юбориш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ғўзани механизмлар билан парвариш қилиш сифатини кескин яхшилаш, бу йил бир миллион 250 минг гектар ердаги ғўзани ротацион ва комбинацияланган ишчи органларини кенг қўлланиб, икки томонлама парвариш қилиш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари лозим.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Халқ хўжалиги кенгаши, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига 1962 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун барча зарур бўлган тайёргарлик ишларини дарҳол авж олдириш; пахта тозалаш заводларини, пахта қабул қилиш пунктларини, қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилиш; тайёрлаш пунктларини машинада терилган пахтани қабул қилиб олишга шайлаб қўйиш, тайёрлаш пунктлари кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ўтказиш; зарур миқдорда хирмонлар, асфальт ётқизилган майдончаларни ўз вақтида қуриш ва ремонт қилиш, транспорт воситалари ва йўлларни шайлаб қўйишни ташкил этиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши пахта териш машиналари, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш учун прицеплар, транспортёрлар ва запас қисмлар ишлаб чиқариш планининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган қўшимча чораларни кўрсин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига планда кўзда тутилган қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини 1 октябрга қадар битказиш топширилсин.

Машина теримига майдонлар ажратиш ҳамма колхоз ва совхозларда яқин кунларда тугаллансин, бу майдонларда ғўзанинг машина теримига мос бўлиб ўсишини, мўл ҳосил олишини ва пахтанинг тез етилишини таъминлайдиган барча зарур агротехника тадбирлари амалга оширилсин, пахта териш техникасини ремонт қилиш кучайтирилсин ва механик-ҳайдовчи кадрларни ўқитиш ташкил этилсин.

Пахта йиғим-теримини механизациялашни ривожлантириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг ҳар бир колхоз, совхоз ва районда сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши керак.

4. Ирригация ва мелиорация республикада пахтачиликни ва барча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада юксалтириш негизларининг негизи эканлигини кўзда тутиб, пленум Сув хўжалиги министрлиги, «Главголодностепстрой», Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига сув хўжалиги қурилиши планининг бу йил экин экиш учун янги ерларни ўзлаштириш ва бу ерларга қишлоқ хўжалик экиналари экиш планларининг, камида бир миллион гектар яйловга сув чиқариш планининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юклатилсин.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ирригация ва мелиорация эҳтиёжлари учун ҳар йили жуда катта маблағ ва моддий техника ресурслари ажратмоқда. Бу катта ёрдамдан самарали фойдаланиш — Ўзбекистон партия ташкилотининг жонажон ишидир.

5. Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаатида баён қилинган кўрсатмаларга амал қилиб, ҳозирги вақтда вужудга келтирилган янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ғўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет планларини ишлаб чиқишда колхозларга ва совхозларга, ишлаб чиқариш бошқармаларига ёрдам кўрсатишни топширади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЁППАСИГА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК УЧУН

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган жаҳон конгрессини тайёрловчи Халқаро комитет раиси Жон БЕРНАЛнинг

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВга мактуби

Ҳурматли Раис жаноблари!

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб 9 июлдан 14 июлга қадар Москвада ўтказиладиган Жаҳон конгрессини тайёрлайдиган халқаро комитет номидан ушбу мактубни Сизга ёзиш шарафига муяссарман.

Конгрессда қуролсизланишга ва тинчликка кўмаклашувчи кўпгина ташкилотларнинг вакиллари ва кузатувчилари, шунингдек ҳамма тусдаги жамоатчилик фикрини ифодаловчи ва тинчликнинг сақланишидан манфаатдор бўлган кишилар ҳозир бўладилар. Бу кишилар жаҳонининг ҳамма томонидан конгрессга келадилар.

Конгресс қатнашчилари ўзларининг мунозараларини қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет тузиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан таклиф олган ва ҳозир шу комитетнинг мажлисларини Женевада ўтказаётган 18 мамлакат ҳукуматларининг қуролсизланиш масаласидаги сиёсатини жуда тўлиқ ва мўътабар равишда тушунтириб беришдан бошлаб юборишлари ғоят матлубдир.

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган жаҳон конгрессини тайёрлаётган халқаро комитет 19-20 майда Эскильстун шаҳрида (Швеция) бўлиб ўтган ўзининг мажлисида шу ҳукуматларнинг бошлиқларига мурожаат қилиб, улардан ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси тўғрисидаги ҳамда шу проблемани ҳал этиш йўлида турган тўсиқларни қандай қилиб олиб ташлашнинг энг яхши воситалари тўғрисида ўз фикрларини ёзма равишда ёки ўзлари юборган вакиллари орқали жаҳон конгрессига маълум этишни илтимос қилишни менга топширди.

Сизнинг ҳукуматингизнинг нуқтаи назарини бевосита билиб олиш имкониятига конгресс қатнашчилари юксак баҳо беришига ҳамда бу нарса қуролсизланиш проблемасини тағин ҳам кенг тушуниб олиш ва оқибат натижада ҳал қилиш ишига қўшилган жуда катта ҳисса деб қабул қилинишига ишонамиз.

Сизга самимият билан

Ж. БЕРНАЛ.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг Жон БЕРНАЛГА жавоби

Ҳурматли профессор Бернал!

Мен Сизнинг мактубингизни олдим, бу мактубда сиз ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб ўтказиладиган жаҳон конгрессида ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаларига доир Совет ҳукуматининг позициясини бирор формада баён қилиб беришни менга СССР ҳукуматининг бошлиғи сифатида қилган таклифингизни айтибсиз.

Сиз ўзингизнинг шу мактубингизда, қуролсизланиш билан шуғулланмоқ учун Комитет тузишга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан таклиф қилинган ва шу Комитетнинг мажлисларини Женевада ўтказаётган 18 давлат ҳукуматлари бошлиқларининг ҳаммасига шундай таклифлар билан мурожаат этганлигингизни хабар қилгансиз.

Давлатларнинг ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларидан бири бўлган ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасига доир сиёсати жамоатчилик вакилларининг мана шундай кенг жаҳоншумул йиғини қатнашчилари олдида баён қилиб берилишини таъминлашга конгрессни тайёрловчи халқаро комитетнинг интилаётганлиги менимча жуда қизғин равишда маъқулланишга сазовордир.

Шу сабабли, Сизнинг таклифингизни қабул қиламан ва Совет Иттифоқининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасига доир сиёсатини СССР ҳукуматининг топшириғига биноан конгресс қатнашчилари олдида гапириб беришга тайёрман.

Чуқур ҳурмат билан

Н. ХРУШЧЕВ.

* * *

Профессор Берналнинг канцеляриясе Лондонда қуйидаги ахборотни эълон қилди:

«Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб 9 июлдан 14 июлга қадар Москвада ўтказиладиган жаҳон конгрессини тайёрловчи халқаро комитет раиси профессор Бернал номига уч бош министрнинг: жаноб Макмилланнинг, жаноб Нерунинг ва жаноб Хрушчевнинг ёзган мактублари олинди. Бу мактублар қуролсизланиш билан шуғулланувчи Женева комитети составига киришга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан таклиф қилинган 18 мамлакат ҳукуматларининг бошлиқларига ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси тўғрисида ўз ҳукуматларининг нуқтаи назарини жаҳон конгрессига айтиб беришни илтимос қилиб профессор Бернал томонидан 24 майда халқаро тайёргарлик Комитети номидан юборилган мактубларга жавобан ёзилган мактублардир».

АВСТРИЯ ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 28 июнь. (ТАСС). Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Австрия Республикасининг федерал канцлери А. Горбах ва унинг ҳамроҳлари расмий визит билан бугун Москвага келди.

Внуково аэродромида Австриядан келган азиз меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, министрлар ва давлат комитетларининг раислари, шунингдек пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Австриянинг СССРдаги элчиси Г. Хаймерле, Австрия элчихонасининг дипломатия ходимлари, бошқа чет эл дипломатлари, журналистлар бор эди.

А. Горбахнинг келиши муносабати билан аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди ва Австрия Республикаси ҳамда Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Австрия федерал канцлери А. Горбах аэродромда нутқ сўзладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ III ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИНГ ОХИРИ

(Бошқа биринчи бетда)

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Қишлоқ хўжалик министрлиги, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, бошланғич партия ташкилотлари ва колхоз, совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликка раҳбарлик қилишдаги камчиликларни тугатишлари, чорвачилик фермаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ишларини яхшилашлари, илғор хўжаликлар ва фермаларнинг тажрибасини ҳамма жойда оммалаштириш ва шу асосда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятларини ҳамда молларни кўпайтириш мажбуриятларини бажариш чораларини кўришлари керак.

Қорамоллар орасида сигирлар сонини кўпайтириш, урғочи молларнинг қисир қолишини тугатиш, соғлом бола олиш, ҳайвонларни боқиш ва асрашни яхшилаш чораларини кўриш, молларнинг нобуд бўлишига қарши курашни кучайтириш, молларнинг ва паррандаларнинг нобуд бўлишида айбдор бўлган шахсларни қаттиқ жазолаш керак.

Давлатга ўртадан юқори ва юқори семизликдаги тош босадиган молларни сотиш учун уларни йил бўйи боқувга қўйиб ҳамда ўтлатиб семиртириш ва ўстиришни ташкил этиш, сигирлардан олинадиган сутни кескин кўпайтириш ва ҳар бир хўжаликда сут етиштириш ва давлатга сотиш планининг бажарилишини таъминлаш зарур. Фермаларни тўлдириш учун аҳолидан сигир ва бузоқлар сотиб олиш мажбуриятлари сўзсиз бажарилсин.

Халқ хўжалиги кенгашига сут қабул қилувчи пунктларда сутнинг тўхтовсиз қабул қилинишини таъминлаш ва сут заводларида ишни яхшилаш топширилсин.

Пленум ем-хашак етиштириш ишлари яхши ташкил этилса, озуқа экинларидан мўл ҳосил олинса, моллар учун қишга етарли ем-хашак тайёрлашгина эмас, балки энг камида бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак запаси жамғариб қўйиш имконияти бор, деб ҳисоблайди.

Область ва район партия комитетлари, область партия комитетларининг партия ташкилотчилари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, бошланғич партия ташкилотлари ва колхоз, совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликка раҳбарлик қилишдаги камчиликларни тугатишлари, чорвачилик фермаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ишларини яхшилашлари, илғор хўжаликлар ва фермаларнинг тажрибасини ҳамма жойда оммалаштириш ва шу асосда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятларини ҳамда молларни кўпайтириш мажбуриятларини бажариш чораларини кўришлари керак.

Қорамоллар орасида сигирлар сонини кўпайтириш, урғочи молларнинг қисир қолишини тугатиш, соғлом бола олиш, ҳайвонларни боқиш ва асрашни яхшилаш чораларини кўриш, молларнинг нобуд бўлишига қарши курашни кучайтириш, молларнинг ва паррандаларнинг нобуд бўлишида айбдор бўлган шахсларни қаттиқ жазолаш керак.

Давлатга ўртадан юқори ва юқори семизликдаги тош босадиган молларни сотиш учун уларни йил бўйи боқувга қўйиб ҳамда ўтлатиб семиртириш ва ўстиришни ташкил этиш, сигирлардан олинадиган сутни кескин кўпайтириш ва ҳар бир хўжаликда сут етиштириш ва давлатга сотиш планининг бажарилишини таъминлаш зарур. Фермаларни тўлдириш учун аҳолидан сигир ва бузоқлар сотиб олиш мажбуриятлари сўзсиз бажарилсин.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитета ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларни ипак қурти уруғи билан таъминлаш чоралари тўғрисидаги қарорини маъқуллаб, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига юқори сифатли қурт уруғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш, наслчилик ишини яхшилаш, мавжуд қурт уруғи заводларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш тадбирларини амалга оширишни топширади.

7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигидан, Қишлоқ хўжалик министрлигидан, «Узсельхозтехника» бирлашмасидан, ғаллакор область ва районларнинг область ва район партия комитетлари ҳамда область ва район ижроия комитетларидан, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларидан дон ҳосилини ўриб-йиғиб олишдаги камчиликларни тугатиш, барча комбайнларнинг шунингдек траншеялар тайёрлаш ташкил этилсин. Нўхат қисқа вақт ичида ва нобуд қилинмай йиғиштириб олинсин. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ва республика илмий текшириш муассасаларининг тажрибасидан фойдаланиб, суғориладиган ва ламмикор ерларга куз ва қишда кенг миқёсда нўхат экиш учун етиштирилган нўхат донининг ҳаммаси уруғлик учун сақлаб қўйилсин. Беда ва табиий ўтларни ўриб олиш ва тайёрлаш ишлари кучайтирилсин, ем-хашакни ҳисобга олиш ва сақлаш пухта ташкил этилсин.

Чорвачилик маҳсулотлари ва ем-хашак етиштиришни механизациялаш ишларини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин. Чорвачиликда ва ем-хашак етиштиришда кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаш бўйича 1962 йил планининг сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

6. Пленум Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига такрорий қурт боқишнинг муваффақиятли ўтказилишини ҳамда давлатга пилла сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган зарур тадбирлар комплексини амалга оширишни топширади. 1963 йилда пилла етиштиришни анча кўпайтириш учун мустаҳкам база яратиш мақсадида тут дарахтлари яхши парвариш қилинсин, бу йилги тут кўчати ўтказиш плани бажарилсин ва кўчатларнинг яхши кўкламзорлаштирилиши ва ўсишига эришилсин.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитета ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларни ипак қурти уруғи билан таъминлаш чоралари тўғрисидаги қарорини маъқуллаб, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига юқори сифатли қурт уруғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш, наслчилик ишини яхшилаш, мавжуд қурт уруғи заводларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш тадбирларини амалга оширишни топширади.

7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигидан, Қишлоқ хўжалик министрлигидан, «Узсельхозтехника» бирлашмасидан, ғаллакор область ва районларнинг область ва район партия комитетлари ҳамда область ва район ижроия комитетларидан, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларидан дон ҳосилини ўриб-йиғиб олишдаги камчиликларни тугатиш, барча комбайнларнинг унумли ишлашини ташкил этиш, етиштирилган дон ҳосилининг ҳаммасини сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш, дон тайёрлаш давлат планининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш, уруғлик фонди жамғариш ва моллар учун етарли миқдорда ем ҳозирлаш талаб қилинсин.

8. Пленум Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия, совет органлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари зиммасига сабзавот экинларини экишни, картошка, қовун-тарвуз экишни яқин кунларда тугаллаш, бу экинларнинг, шунингдек боғ ва токзорларнинг сифатли парвариш қилинишини ташкил этиш, сабзавот экинларини қайта экиш ва икки марта ҳосил олиш имкониятларидан тўла фойдаланиш, шу йўл билан ҳар бир колхоз ва совхозда сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, узум етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш вазифаларини юклайди.

Саздо ва тайёрлаш ташкилотлари сабзавот, картошка, мева билан саздо қилишни яхшилашлари, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва қишда сақлашга пухта тайёргарлиқ кўришлари, мамлакатнинг саноат марказларига бу маҳсулотларни юбориш планларини бажаришлари керак.

9. Пленум лубкор колхоз ва совхозлар канор пояси ва уруғи етиштиришни кўпайтириш юзасидан анча иш қилганликларини қайд қилиб, улар 1962 йилга олган мажбуриятларини муваффақиятли бажарадилар, деб ишонч билдиради.

Самарқанд область партия комитети ва область ижроия комитетига, тамаки етиштирувчи колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига тамаки экинларини сифатли парвариш қилишни ташкил этиш ҳамда 1962 йил учун қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш топширилсин.

10. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига ва унинг жойлардаги органларига, область ва район партия комитетларига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига, территориал-ишлаб чиқариш бошқармаларига колхоз ва совхозларнинг иқтисодий ва молия кўрсаткичларининг пастдан яхшиланишини таъминлаш, маҳсулот бирлиги таннархини максимал даражада камайтириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан кенг фойдаланиш тавсия қилинсин.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида колхозчилар меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш ва совхозларда меҳнатга аккорд-мукофот системаси бўйича ҳақ тўлашнинг ҳамма жойда қатъий жорий қилинишига эришилсин, пахта далаларида ва чорвачилик фермаларида ишларни ўз вақтида, сифатли бажарганликлари учун колхозчиларга ва совхоз ишчиларига мукофот бериб бориш кенг қўлланилсин.

Колхозчиларга жамоат хўжалигидаги иши учун ҳар ойда камида бир марта мунтазам аванс бериш, совхоз ишчиларига иш қўйнси ўз вақтида бериб бориш ташкил этилсин. Колхозчиларга аванс бериш учун олинадиган пул маблағларидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш тақиқлансин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига маъмурий-бошқарув ва хизматчилар штатидаги ортиқчаликларни қисқартириш ишларини давом эттириш, маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда тартиб ўрнатиш топширилсин.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига хотима бериш учун кескин чоралар кўрилсин, колхоз демократияси асосларига қатъий риоя қилинсин, ҳисобот ва ҳисоб бериш ишлари яхшилансин, ҳисобот ва ревизор ходимлари состави мустаҳкамлансин, колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти мунтазам пухта ревизия қилиб турилсин, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинсин, колхоз ва давлат бойлигини талон-торож қилишда айбдор бўлган шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилсин ҳамда колхоз ва совхозларга етказилган зарар улардан ундириб олинсин.

11. Марказий Комитет Пленуми Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюросига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишнинг услуби ва методларини янада такомиллаштиришни топширади, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларининг куч-ғайрати асосан ташкилотчилик ишига, илғор, янги усулларни барча хўжаликларда кенг жорий этишга, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ҳар бир хўжаликнинг резервлари ва имкониятларидан максимал фойдаланишга қаратилсин, бунда колоқ колхозларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилсин. Социалистик мажбуриятларни бажаришда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли ва масъулияти оширилсин.

12. Область ва район партия комитетларига, область партия комитетларининг партия ташкилотчиларига колхоз ва совхозлар бошлаётган партия ташкилотларининг социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида ташкилотчидик ва сиёсий ишларни кучайтириш вазифаси юклатилсин.

Партия ташкилотларининг барча ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларига партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаатини тушунтириш, колхозчиларни, совхоз ишчиларини, мутахассисларни қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш асос қилиб олиниши керак.

13. Пленум партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларидан, саздо ва соғлиқни сақлаш ходимларидан дала ишлари билан банд бўлган колхозчилар ва совхоз ишчиларига самарали меҳнат қилишлари учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиб беришни, умумий овқатланишни, медицина хизмати кўрсатишни, болалар боғчалари ва ясли-лари ишини намунали ташкил этишни талаб қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Президиуми атрофига маҳкам жипслашган республика партия ташкилоти бу йил Ватанга 3 миллион 350 минг тонна пахта етказиб бериш, шунингдек гўшт, сут, сабзавот, картошка, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш учун бутун кучини сарфлайди, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«МАКТАБНИНГ ТУРМУШ БИЛАН БОҒЛАНИШИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХАЛҚ МАОРИФИ СИСТЕМАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ҲАМДА КПСС XXII СЪЕЗДИНИНГ ХАЛҚ МАОРИФИ СОҲАСИДАГИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Совет халқи коммунистик қурилишнинг КПСС XXII съезди белгилаб берган улуғвор программасини меҳнатдаги ғайрати ва сиёсий активлиги жуда юксалган вазиятда амалга оширмоқда.

Совет кишиларининг ижодий кучлари, уларнинг иродаси ва жўшқин ғайрати халқ хўжалигининг барча участкаларида, барча соҳаларида ленинчи партия қўйган вазифаларни — Ватанимиз экономикаси ва маданиятини мисли кўрилмаган даражада янада юксалтириш вазифасини муваффақият билан бажаришга қаратилгандир.

Коммунизм қурилишининг асосий вазифаларидан бири янги кишини тарбиялашдир. КПСС Программасида, коммунизмга ўтиш ҳам жисмоний ҳам ақлий меҳнатга, ижтимоий ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида, фан ва маданият соҳасида ижодий фаолиятга лаёқатли бўлган коммунистик онгли ва юқори маълумотли кишиларни тарбиялаш ва тайёрлашни назарда тутади, деб уқтириб ўтилган.

Бу вазифани ҳал этишда совет мактаби ғоят катта роль ўйнаши лозим.

Ўзбекистон ССР Олий Совети меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва халқ маорифи органлари кенг жамоатчиликнинг актив иштирокида «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги Қонунни ҳамда КПСС XXII съезднинг халқ маорифи соҳасидаги қарорларини бажариш юзасидан анча иш қилганликларини мамнуният билан қайд қилади.

Болаларнинг умумий-мажбурий саккиз йиллик таълими жорий қилинди. Етти йиллик мактабларнинг ҳаммаси саккиз йиллик мактабларга айлантирилди. Ҳозир республикада саккиз йиллик мактаблар сони уч мингдан ортди. I—VII синфларда ўқувчилар сони 261 минг кишига кўпайди.

Айни замонда умумий ўрта таълимни янада ривожлантириш ва қайта қуриш ишлари давом эттирилди. Уч йил ичида ўрта мактаблар сони 118 тага кўпайди, ишлаб чиқариш таълимини жорий қилган 991 та мактаб ташкил қилиниб, бу мактабларнинг 9—11-синфларида 69,5 минг киши ўқимоқда. Шу ўтган йиллар мобайнида 135,1 минг йигит ва қиз ўрта маълумот олди.

Мактаб интернатларда тарбияланувчилар сони 1959 йилга нисбатан 9 баравар ошиб, қарийб 30 минг кишига етди.

Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаблари ва улардаги ўқувчилар сони кўпайди. Сиртдан ўқиб умумий ўрта маълумот олиш янада ривожланди.

Профессионал - техника таълимини ривожлантиришда анчагина ютуқлар қўлга киритилди. 70 та билим юртида қарийб 15 минг киши ўқиб, етмиш икки ихтисос бўйича ҳунар ўрганмоқда. Профессионал-техника ўқув юртлари ҳар йили 15-16 мингтадан малакали ишчи етиштириб, халқ хўжалигига жўнатмоқда.

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим янада ривожланди. Кейинги уч йил ичида олий ўқув юртларидаги студентлар сони 26 мингдан зиёдроқ, техникумлардаги ўқувчилар сони эса 9 мингга кўпайди. Буларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда.

Олий ўқув юртларига кираётган ёшларнинг сифат состави ҳам ўзгарди: олий ўқув юртларига қабул қилинганларнинг деярли 60 процентини ишлаб чиқариш стажига эга бўлган ёки Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар ташкил қилади.

Мактаблар, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртларининг моддий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида анча ишлар қилинди. Янги қурилишлар ва маъмурий биноларни мактаблар ихтиёрига бериш ҳисобига кейинги уч йил ичида қўшимча равишда 26532 синфхона очилди, бу эса илгарида мавжуд бўлган бинолар фондининг 75 процентини ташкил қилади.

Республика мактабларида ва бошқа ўқув юртларида мастерскойлар, ўқув кабинетлари, лабораториялар, металл қирқувчи ва ёғочсозлик асбоб-ускунаси, машина ва механизмлар анча кўпайди. Бу эса, ўқитишни ишлаб чиқариш меҳнати билан яхши боғлаб олиб боришга имкон беради.

Кўпгина мактабларда ўқув-тарбия ишлари яхшиланди, синфда иккинчи йилга қолиш ҳоллари камайди. Ўқувчилар мустаҳкам билим оладиган бўлдилар.

Республикада ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш иши яхшиланди. Маориф министрлиги системасида 95 мингга яқин ўқитувчи ишламоқда.

Аммо шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети республикада умумий, олий, ўрта махсус ва профессионал техника таълимининг қўйилиши партиямиз XXII съезди талабларига ҳали жавоб бермаётир, деб ҳисоблайди.

Болаларни ҳисобга олишдаги камчиликлар ва бошқа сабабларга кўра, мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ҳали ҳам ўқишга тортилмаган. Ўқувчиларнинг, айниқса маҳаллий миллат қизларининг мактабдан кетиб қолиш ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Мактаблар бир сменали ўқишга ўтишнинг афзалликларидан кўпи узайтирилган мактаблар ва группалар шохобчасини кенгайтириш учун дурустгина фойдаланмаётирлар. Ҳозирда мавжуд бўлган кўпи узайтирилган мактаб ва группалар ўтган йили болаларни ўқишга жалб қилиш планини фақат 82 процент бажардилар.

Мактаб - интернатларга болаларни жалб қилиш плани айниқса Тошкент, Самарқанд областларида, Қорақалпоғистон АССРда ва Тошкент шаҳрида йилдан-йилга бажарилмай қолмоқда. Кўпгина мактаб-интернатлар ҳали ҳам намунали ўқув тарбия муассасаси бўлган эмас.

Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлар ва бошқармалар, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ишчи ва қишлоқ ёшларининг умумий маълумот даражасини ошириш тўғрисида тегишлича ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Кечки (сменали) мактабларга ўқувчилар жалб қилиш плани йилдан-йил бажарилмай келади, улардаги ўқувчиларнинг кўплари ўқишни ташлаб кетмоқдалар. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаблари бир қанча фанлардан дарсликлар ва ўқиш қуроллари билан таъминланмаган, қишлоқ ёшлари мактабларида ўқув йилининг муддатлари ҳанузгача белгиланмаган.

Бир қанча мактабларда ишлаб чиқариш таълими қониқарсиз уюштирилган. Ўқувчилардан амалий машғулотлар вақтида ўқув программаси билан боғлиқ бўлмаган ёрдамчи ишларда фойдаланилади. Айрим корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари мактаб тўғрисидаги Қонуннинг ўқув участкалари, цехлар, пролетлар ташкил қилиш, техника воситалари, мутахассислар ажратиб бериш тўғрисидаги талабларини бажармаётирлар.

Кўпгина мактабларда ўқув тарбия иши даражаси ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётир, бу эса ўқувчилардан бир қисмининг дарсларни ўзлаштиришининг пасайиб кетишига ва синфда қолишига сабаб бўлмоқда.

Мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масаласида жиддий камчиликлар рўй бераётир. Мактабларда рус тилидан, физкультурадан, музика, ашула, меҳнат, ишлаб чиқариш таълими ва баъзи бир бошқа фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар етишмаётир. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларининг раҳбарлари ўқитувчилар тўғрисида дурустгина ғамхўрлик кўрсатмаётирлар, уларнинг самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароит тўғдириб бермаётирлар, бу эса ўқитувчи кадрларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, республика Қурилиш министрлиги ва Маориф министрлиги мактаблар қуриш планини бажармаётирлар. 1961 йилда мактаб-интернатлар учун мўлжалланган ўқув корпусларини фойдаланишга топшириш плани 62 процент бажарилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассислар ҳамда малакали ишчилар етиштириш ҳали ҳам республика халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирмаётир, деб ҳисоблайди. Бир қанча ўқув юртларида шундай мутахассисларни тайёрлаш сифати юксак даражада эмас.

Корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари таълим-ишлаб чиқариш базалари қуриш ва пракгикантларни иш жойи билан таъминлашда ўқув юртларига кам ёрдам бермоқдалар. Улар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар танлашда берилган ҳуқуқдан деярли фойдаланмаётирлар. Олий ўқув юртларига ва ўрта махсус ўқув юртларига корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг йўлланмалари билан ўқувчилар юбориш иши қониқарсиз уюштирилган. Ўтган ўқув йилида йўлланма билан қабул қилинганлар ўқув юртларига қабул қилинганларнинг умумий сонига нисбатан деярли 6 процентни ташкил қилади.

Кечки ва сиртқи ўқишни уюштиришда жиддий камчиликлар бор. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган студентлар зарур бўлган ўқув-методик адабиёт билан, айниқса ўзбек тилидаги адабиёт билан таъминланмаган, улар учун консультациялар камдан-кам ўтказилади. Бир қанча ҳолларда иш билан ўқишни муваффақиятли равишда бирга қўшиб олиб бориш учун тегишли шароит тўғдирилмаган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети — «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги Қонунни бажаришда камчилик ва нуқсонларнинг рўй беришига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари халқ маорифига суст раҳбарлик қилаётганликлари, мактаб тўғрисидаги Қонунни бажариш учун астойдил курашмаётганликлари, ўқув юртларининг таълим-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашда уларга зарур ёрдам кўрсатмаётганликлари сабаб бўлган, деб ҳисоблайди. Маориф министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитети умумий таълим мактабларини, олий мактабларни ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртларини Қонун талабларига ва КПСС XXII съезди қарорлари талабларига мувофиқ равишда қайта қуриш учун етарли равишда иш олиб бормаётирлар, халқ маорифи системасини ривожлантиришнинг перспектив масалалари билан яхши шуғулланмаётирлар.

КПСС тарихий XXII съезди қарорларида халқ маорифи соҳасида қўйилган вазифаларни, мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунни сўзсиз амалга оширишни маҳаллий Советларнинг, халқ маорифи органларининг, министрликлар ва идораларнинг, бутун республика жамоатчилигининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ва Ўзбекистон ССР Маориф министолиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) умумий мажбурий саккиз йиллик таълимнинг амалга оширилиши таъминлансин, токи яқин ўн йил ичида мактаб ёшидаги барча болалар учун умумий мажбурий ўрта таълим ва ўн бир йиллик политехника таълимини, ёшларнинг халқ хўжалигида банд бўлган ва тегишли маълумоти бўлмаган кисми учун эса 8 синф ҳажмидаги таълимни амалга ошириш мумкин бўлсин. Умумий ўрта таълим ва политехника таълимини ривожлантириш, касбга ўргатиш, ўқувчиларни ўз иқтидорига қараб ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, мактаблар сонини кўпайтириш билан боғлаб олиб борилган ҳолда таъминлансин. Барча ўқувчиларни, айниқса маҳаллий миллат қизларини мактабларга тортиш ва уларни зарур маълумот олганларига қадар сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилсин. Умумий таълим ҳақидаги Қонунни бузувчиларга нисбатан қаттиқ чора кўрилсин;

б) мактаб ёшидаги болаларни, шунингдек тегишли маълумоти бўлмаган ёшларни ишга олишда тегишли тартиб ўрнатилсин, бу ишга республика Марказий статистика бошқармаси органлари жалб этилсин. 1962 йилнинг охирига қадар ҳамма жойда барча болаларга тугилиш ҳақидаги ҳужжатларни бериш ишлари тугаллансин.

в) бошланғич мактаб тармоқлари қайта кўриб чиқилсин, улар фақат аҳоли кам яшайдиган пунктларда ва чорва моллари боқиладиган яйловлардагина сақланиб қолинсин. Мактаблар шохобчасини тартибга солиш учун чоралар кўрилиб, тўла комплектли 8 йиллик мактаблар ташкил этишга алоҳида эътибор берилсин.

г) муҳтож ўқувчиларга моддий ёрдам бериш мақсадида умумий таълим фондлари кенгайтирилсин, бунинг учун эса фақат бюджет маблағларигина эмас, балки колхозларнинг маданий фондларидан ажратиладиган маблағлардан, оқалиқ қилувчи ва касаба союз ташкилотларининг, қишлоқ матлубот жамиятларининг взнослари ва бошқа манбалардан фойдаланилсин; бу маблағларнинг фойдаланилиши устидан тегишли контроль ўрнатилсин. Мактабдан узоқда турувчи болаларни транспортда ташишни таъминлаш зарур;

д) мактаб-интернатларни янада кўпайтириш чоралари кўрилсин, болаларнинг яхши ўқишлари ва ҳар томонлама камолотга етишлари учун мактаб-интернатларда барча зарур шароитлар яратилсин; мактаб-интернатларга ўзбек қизларини қабул қилишга алоҳида эътибор берилсин;

е) Ишлаб чиқаришда банд бўлган ота-оналарга ёрдам кўрсатиш ва болаларнинг қаровсиз қолиш ҳолларига барҳам бериш мақсадида куни узайтирилган мактаб тармоқлари ва группалар кенгайтирилиб, уларга ўқувчилар қабул қилиш планини бажариш таъминлансин, бунинг учун эса клублар, маданият саройлари, қизил бурчаклар ва кундуз кунлари банд бўлмаган бошқа бинолардан фойдаланилсин.

2. Маориф министрлигига ва унинг жойлардаги органларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) ҳамма мактабларда таълим-тарбия ишлари яхшилансин. Шунга эришиш лозимки, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси ҳаёт билан, ишлаб чиқариш меҳнати билан мустаҳкам боғланган бўлсин, ўрта таълим фан асосларидан мустаҳкам билим олишни, коммунистик дунёқараш принциплари ўзлаштирилишини, меҳнат ва политехника тайёргарлиги олишни, шунингдек ёш авлодни ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни таъминлайдиган бўлсин. Мактабларда дарс бериш сифати оширилсин. ўқувчиларга чуқур ва мустаҳкам билим берилсин, икки йил бир синфда қолишлик ҳоллатларини тугатишга эришилсин. Мактабларда рус ва ўзбек тилидан дарс беришни яхшилашга ва ўқувчиларнинг бу фанлардан оладиган билим даражаларини оширишга алоҳида эътибор берилсин. ёшлар социалистик интернационализм руҳида тарбиялансин.

Таълимни ижтимоий-фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида ўқувчиларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишларига эришаётган, дарс беришни ҳаёт билан бирга моҳирона боғлаб олиб бораётган, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини муваффақият билан ҳал этаётган мактаб ўқитувчиларининг илғор иш тажрибалари кенг ёйилсин. Ўқувчиларни илмий атеистик руҳда тарбиялаш кучайтирилсин;

б) кенг политехника асосида иш олиб бораётган ўрта мактабларда ишлаб чиқариш таълими даражаси оширилсин, мактабларни битириб чиқувчи ёшлар меҳнатга фан ва техника тараққиётининг ўсиб бораётган даражасига мувофиқ, халқ хўжалиги эҳтиёжларини ва ўқувчиларнинг қобилиятлари ҳамда истакларини ҳисобга олган ҳолда яхши тайёрланган бўлишларига эришилсин. Ҳамма мактабларда политехника таълимининг моддий базаси яхшилансин;

в) ишлаб чиқариш таълими берадиган мактабларни битириб чиқувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, шунингдек саккизинчи синфларни битириб чиққан ёшларни ишга жойлаштириш таъминлансин, уларнинг ишлаши ва келгусида ўқишлари учун зарур шароитлар яратиб берилсин. Ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими оладиган корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари мактаб директорлари билан бир қаторда ўқувчиларнинг касб-ҳунар олишлари учун, техника хавфсизлигига, ишлаб чиқариш санитариясига ва меҳнат тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиниши учун жавобгар бўлишлари лозим;

г) ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш сифати устидан давлат ва жамоат контроли кучайтирилсин. Энг тажрибали ўқитувчилар жамоат инспекторлари сафларига тортилсин, ота-оналар комитетларининг ишлари жонлантирилсин;

д) ўқитувчи ҳақида, унинг турмуши тўғрисида максимум ғамхўрлик кўрсатилсин, уларнинг самарали иш олиб боришги учун барча шароитлар яратилиб берилсин ва ўқитувчи ҳамма жойда иззат ва ҳурмат билан қуршаб олинсин. Халқ маорифи соҳасида ва мактабларда ишловчи раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин, бу кадрларни асоссиз равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш фактлари қоралансин.

3. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ҳамда республика министрликлари ва бошқармалари зиммасига 1962 йил 1 сентябргача корхоналар, муассасалар, колхозлар ва совхозлардаги 17 ёшдан 35 ёшгача бўлиб, саккиз йиллик ва ўрта маълумотга эга бўлмаган ёшларни ҳисобга олиб чиқиш ва уларни кечки (сменали) ҳамда қатнаб ўқийдиган ва сиртқи мактабларга жалб қилиш вазифаси юклатилсин. Пирик корхоналарда шунингдек иқтисодий жиҳатдан бақувват колхоз ва совхозларда мустақил кечки (сменали) мактаблар очилсин; шаҳар ҳамда қишлоқларда ишловчи ёшларнинг профессионал малакасини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

(Охири учинчи бетда)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Оҳангарон цемент заводининг биринчи навбат қисми муваффақиятли қуриб битказилганлиги ва ишга туширилганлиги муносабати билан қурилишда ўрнак кўрсатган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 240 киши шу завод қурилишини амалга ошириш да актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҚАРОРИНИНГ ОХИРИ

(Боши иккинчи бетда)

4. Ўзбекистон ССР Госпланига, Маориф министрлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига икки ойлик муддат ичида республика мактабларини юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўриб чиқиши учун топшириш вазифаси юклатилсин, бунда шу ўн йил ичида мактаб ёшидаги барча болалар учун ўрта таълимни ва ишлаб турган ёшлар учун эса саккиз йиллик таълимни амалга ошириш зарурияти ҳисобга олинсин.

5. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва Маданият министрлигига саккиз йиллик мактаблар учун стабиль дарсликлар нашр этишни 1963 йилда тугаллаш ва ишлаб чиқариш таълими берадиган ўрта мактабларнинг IX-XI синфлари учун дарсликларни ўз вақтида чиқариш вазифаси топширилсин.

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетига ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига бир ойлик муддат ичида ишлаб чиқариш таълими берадиган ўрта мактаблар ва саккиз йиллик мактабларда ўқитиш, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда рус тили ва адабиётидан, ўлкашунослик фанларидан дарс бериш методикаси, ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, Ўзбекистонда педагогика фикри ва мактаблар тарихи проблемаларига оид комплекс илмий-тадқиқот ишлари планини ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин.

7. Олий Совет, ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашни яхшилаш мақсадида, республика шоирлари, ёзувчилари, композиторларини ва барча санъат арбоблари ни ёш авлодни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи, болалар учун бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишга, ёш томошабинлар ва кўғирчоқ театрлари ишини яхшилашга, болалар учун фильмларни кўпроқ ишлаб чиқаришга, ўқувчиларнинг ота ва оналарнинг болалар билан мактабдан ташқарида олиб борадиган ишларида уларга ёрдам беришга чақиради.

Республика Маданият министрлиги зиммасига болалар ва ёшлар учун адабиётлар нашр этишни кенгайтириш ва яхшилаш вазифаси юклатилсин.

8. Маориф министрлигига Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радио эшитириш ва телевидение Давлат комитети билан биргаликда болаларга таълим ва тарбия бериш ишларида кино, радио, телевидение ва ҳоказолардан кенг фойдаланиш вазифаси топширилсин.

9. Ўзбекистон ССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг Республика совети зиммасига физкультура спорт ишларини уюштиришда, ўқувчиларнинг умумий жисмоний тарбия даражасини юксалтиришда мактабларга системали равишда ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси юклатилсин.

10. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига ўқувчиларга врач-медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, мактаблар, мактаб интернатлар ва боғча болалар муассасаларининг санитария ҳолати устидан системали равишда контроль қилиб туришни кучайтириш вазифаси юклатилсин. 1965 йилгача ҳозир амалда бўлган билим юртларини ягона типдаги шаҳар ва қишлоқ профессионал техника ўқув юртлари қилиб қайта ташкил этиш тугаллансин.

16. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими Давлат комитетига, Ўзбекистон ССР Госпланига, Маориф министрлигига республиканинг манфаатдор министрликлари ва бошқармалари билан биргаликда профессионал-техника билим юртлари шохобчаларини кенгайтириш ва республика профессионал-техника таълими системасида ҳамда ишлаб чиқариш таълими берадиган айрим ўрта мактабларда рангли металлургия, химия, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ишини уюштириш масаласини уч ой муддат ичида кўриб чиқиб, ҳал этиш вазифаси топширилсин.

17. Ўзбекистон ССР Госпланы, Республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва республика министрликлари ҳамда бошқармалари зиммасига профессионал-техника ўқув юртларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишида бу ўқув юртларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларга ҳозирги замон станок ускуналари, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ажратиб бериш, ўқувчиларни уларнинг ишлаб чиқариш практикаси ўтишлари учун иш билан таъминлаш, ўқув хўжаликлари учун ер участкаларни ажратиб бериш ва бошқа чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети қаттиқ ишонч билдирадики, маҳаллий Советлар, халқ маорифи органлари, министрликлар ва бошқармалар, корхона ва ташкилотлар, республиканинг ҳамма ўқитувчилари, ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составлари кенг жамоатчиликка таяниб, халқ маорифининг барча звеноларидаги ишларининг қўйилишида мавжуд камчиликларни тугатишга эришадилар ва ўзларининг бутун кучларини КПСС программаси ҳамда мактаб тўғрисидаги Қонунда қўйилган вазифалар асосида яхшилаш вазифаси юклатилсин.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети якин орада ҳамма ерда мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиб бўлиш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказишни тугаллаш ва уларнинг моддий базасини халқ маорифини ривожлантириш перспективалари ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни кўриб чиқсин. Ўқувчиларнинг политехника ва ишлаб чиқариш таълими олишини таъминлаш мақсадида 1962—1965 йилларда ўқув кабинетлари ва устахоналари қуриш, ҳамма мактаблар қошида ер тажриба участкалари ташкил этиш перспектив плани ишлаб чиқилсин, шунингдек республикада ўқув юртларининг барча типлари учун зарур ўқув кўргазма-қўлланмалари ва ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш тўғрисидаги масала қараб чиқилсин.

12. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги зиммасига ҳамма мактабларда умумий овқатланишни ташкил этиш ишларини янги ўқув йили бошлагунга қадар тугаллаш, ўқувчиларга пойафзал, кийим-кечакларни узлуксиз этиш ишини йўлга қўйиш, бу молларнинг сифати устидан талабчанликни ошириш, ўқувчиларнинг арзон, чиройли ва пишиқ материалдан тикилган формага бўлган талабини тўла қондириш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республиканинг йирик шаҳарларида мактабларга, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларига, мактаб-интернатларга, махсус мактаб-интернатларга, болалар уйларига, махсус ўрта, олий ва профессионал-техника ўқув юртларига хизмат кўрсатиш учун ихтисослаштирилган умумий овқатланиш трестлари ташкил этиш масаласини қараб чиқиш юклатилсин.

13. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР Госплани, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги министрликларига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, республиканинг ўз қарамоғида олий ҳамда махсус ўрта ўқув юртлари бўлган бошқа министрликлари ҳамда бошқармаларига қўйидаги вазифалар топширилсин:

а) 1962 йилнинг охирига қадар республикада Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданияти тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, олий ва ўрта малакали мутахассислар тайёрлашни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқилсин. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус таълимни кенг ривожлантиришга, бевосита корхоналарнинг ўзида ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларини очишга қаратилсин. Умумий техника факультетлари шохобчалари кенг ривожлантирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги министрликларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарларига таълим-тарбия ишларининг ҳаёт билан боғланишини янада мустаҳкамлашга қаратилган чоралар кўриш, мутахассисларни тайёрлаш сифатини ҳозирги замон ишлаб чиқариши талаблари даражасига кўтариш, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва яхшилаш вазифалари юклатилсин;

б) олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув-моддий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масаласи қараб чиқилсин ва ҳал этилсин. Бунда олий ўқув юртлари, техникумлар ва билим юртларини ускуналар, асбоблар ва ҳозирги замоннинг энг яхши техникасига оид бошқа воситалар билан таъминлаш кўзда тутилсин. Қишлоқ хўжалик ўқув юртларини совхоз ва колхозларга кўчириш ишлари тезлаштирилсин;

в) олий ўқув юртларининг студентлари, техникумлар ва барча формалардаги билим юртларининг ўқувчилари учун ўқув адабиётлари нашр этишнинг перспектив плани уч ой муддат ичида тузиб чиқилсин, токи 1965—1966 ўқув йилида бу студент ва ўқувчилар ўқув планига кирган ҳамма асосий фанларга оид дарслик ва қўлланмаларнинг тўла комплектига эга бўлсинлар. Бунда асосий эътибор ўзбек ва қорақалпоқ тилларида оригинал ўқув адабиётлари яратиш ва нашр этиш масаласига қаратилсин.

Республика Министрлар Советига олий, ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртлари учун нашриёт базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш вазифаси топширилсин.

14. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига, олий ўқув юртлари, техникумлар ва билим юртларининг профессор-ўқитувчилар составини, студентларини ва ўқувчиларни уй-жой билан таъминлашни яхшилаш вазифаси топширилсин.

15. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг профессионал-техника таълим Давлат комитети, профессионал-техника билим юртларининг директорлари ва ўқитувчилари зиммасига малакали ишчилар тайёрлаш сифатини янада ошириши таъминлаш, ўқувчилар билан олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни КПСС Программаси ҳамда мактаб тўғрисидаги Қонунда қўйилган вазифалар асосида яхшилаш вазифаси юклатилсин. 1965 йилгача ҳозир амалда бўлган билим юртларини ягона типдаги шаҳар ва қишлоқ профессионал техника ўқув юртлари қилиб қайта ташкил этиш тугаллансин.

16. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими Давлат комитетига, Ўзбекистон ССР Госпланига, Маориф министрлигига республиканинг манфаатдор министрликлари ва бошқармалари билан биргаликда профессионал-техника билим юртлари шохобчаларини кенгайтириш ва республика профессионал-техника таълими системасида ҳамда ишлаб чиқариш таълими берадиган айрим ўрта мактабларда рангли металлургия, химия, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ишини уюштириш масаласини уч ой муддат ичида кўриб чиқиб, ҳал этиш вазифаси топширилсин.

17. Ўзбекистон ССР Госплани, Республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва республика министрликлари ҳамда бошқармалари зиммасига профессионал-техника ўқув юртларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишида бу ўқув юртларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларга ҳозирги замон станок ускуналари, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ажратиб бериш, ўқувчиларни уларнинг ишлаб чиқариш практикаси ўтишлари учун иш билан таъминлаш, ўқув хўжаликлари учун ер участкаларни ажратиб бериш ва бошқа чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети қаттиқ ишонч билдирадики, маҳаллий Советлар, халқ маорифи органлари, министрликлар ва бошқармалар, корхона ва ташкилотлар, республиканинг ҳамма ўқитувчилари, ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составлари кенг жамоатчиликка таяниб, халқ маорифининг барча звеноларидаги ишларининг қўйилишида мавжуд камчиликларни тугатишга эришадилар ва ўзларининг бутун кучларини КПСС программаси ҳамда мактаб тўғрисидаги Қонунда қўйилган вазифалар асосида яхшилаш вазифаси юклатилсин.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети якин орада ҳамма ерда мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиб бўлиш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказишни тугаллаш ва уларнинг моддий базасини халқ маорифини ривожлантириш перспективаларини

МАМЛАКАТ МУДОФААСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

26 июнда Тошкентдаги Округ Офицерлар уйида область мудофаа активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишни область партия комитети ва ДОСААФ область комитетлари чақиридилар. ДОСААФнинг Бутуниттифоқ V съезди ишлари ва область ташкилотининг вазифалари ҳақида ДОСААФ жамияти республика комитетининг раиси ўртоқ В. Сохацкий доклад қилди.

Докладчи кўпмиллионли ДОСААФ аъзоларининг мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ишлари ҳақида гапирди. Сўнгра у ДОСААФ V съезди қарорлари асосида Жамиятнинг Тошкент область ташкилоти ишларини анализ қилиб берди.

Ҳозир ҳар бир саноат корхонаси, қурилиш, колхоз ва совхозларда Жамиятнинг бошланғич ташкилотлари тузилиши лозим. Докладчи қуйи ташкилотларнинг фаолияти ҳақида бир қанча фактлар келтирди. Масалан, «Ташсельмаш» заводида радио, автомото ва отиш бўйича ҳаваскорлик клублари муваффақиятли ишламоқда. Бу ерда жамоатчи инструкторлар сифатида запасдаги офицерлар жалб қилинган.

Жуда кўп шаҳар, район ва қуйи ташкилотларда пропаганда ҳамда тарбиявий ишлар ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Техник мутахассислар тайёрлаш кўп жойларда тор ҳажмда олиб борилади, мактаб ва олий ўқув юртларида мудофаа ишлари ёмон ташкил қилинган. Тошкент область ДОСААФ комитети кўп кўрсаткичлар бўйича республикада охирги ўринни эгаллайди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда партия ва комсомол ходимлари, запасдаги офицерлар, Жамиятнинг активлари сўзлади.

Актив йиғилиши ишида область партия комитетининг секретари ўртоқ С. М. Веселов қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXII съезди қарорлари асосида мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш юзасидан олдимизда турган вазифаларни бажаришга қаратилган қарор қабул қилдилар.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Газетхон Н. Раҳмонов суратга олган бу жой пойтахтимизнинг бағри кенг, ҳушманзара Ҳамза кўчаси.

ГЕОЛОГЛАР ПРАКТИКАСИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети геология факультетининг 4-курс студентларидан 30 дан ортиқ киши ярим йиллик ишлаб чиқариш практикасига жўнаб кетдилар. Практика Сурхондарё, Самарқанд областлари ҳамда Қирғизистон ва Туркманистон республикаларида ўтказилади. Шунингдек, практикага чиққан студентларнинг бир группаси Тошкент областининг кон шаҳарлари — Олмалиқ ва Оҳангаронда ҳам бўладилар.

Студентлар ярим йил мобайнида университетда олган назарий билимларини мустаҳкамлаб, геология-қидирув ҳамда геологик суратга олиш ишларини пухта ўрганадилар.

М. ЗАРИПОВ.

Чет элларда нима гап

200 миллион хотин-қизлар номидан

БЕРЛИН, 26 июнь. (ТАСС). Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг секретариати жуда баландликда ядро қуролининг портлатилишига қарши АҚШ президентига норозилик телеграммаси юборди. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси барча қитъалардаги 200 миллион хотин-қизлар номидан АҚШ ҳукуматига мурожаат қилиб, бутун дунё халқлари овозига қулоқ солишни ва ядро қуролларининг ҳар қандай портлатишларини дарҳол тўхтатишни ундан талаб қилади.

БИР БУТУН БЎЛИБ

ПРАГА, 26 июнь. (ТАСС). Н. С. Хрушчевнинг Бухарест меҳнаткашлари митингида сўзлаган нутқидан айрим жойларини ва Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Руминия Халқ Республикасида дўстлик визити билан бўлиши ҳақидаги ахборотнинг баёнини бугун газеталар биринчи саҳифаларида эълон қилдилар.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг марказий органи «Руде право» газетаси ахборотида иккала мамлакатнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш ҳамда Германия билан сулҳ шартномаси тузиш йўли билан бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашга қатъий бел боғлаганлиги таъкидланган жойларни ўқтириб кўрсатади. Газета бу ҳужжатнинг якунловчи қисмида ҳар иккала мамлакат социалистик лагерниг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини янада мустаҳкамлаш учун, марксча-ленинча таълимотнинг поклиги учун қаттиқ кураш олиб боришни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар, деган жойини ҳам ўқтириб кўрсатади.

«Земледельске новини» газетаси ахборот баёнини биринчи саҳифада «Совуқ уруш қоралансин ва бутун дунё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бошлансин», деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

«Совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминияга қилган сафари тугалланди, — деб ёзади «Обрана лиду» газетаси, — Ахборотда муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан қарашларнинг тамомила бир хил эканлиги таъкидланди».

«Праце» ва «Млада фронта» газеталари социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳим эканлигини таъкидлаб. «Социалистик система бир бутун бўлиб ривожланиши лозим», деб ёзадилар.

КУБА ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

ГАВАНА, 26 июнь. (ТАСС). Бир йил мобайнида Совет Иттифоқининг далаларида ва қишлоқ хўжалик ўқув юртларида ўқиган ва ишлаган ёш кубалик деҳқонларни Гавана тантана ва қувонч билан кутиб олди.

Мингга яқин кубалик ёшлар ўз ватанларига қайтиб келаётган «Грузия» теплоходи Гаванага яқинлашганида, Гавана қўлтиғининг катта қирғоғини байрам кайфиятидаги кишилар тўлдирган эди. Гранитли қирғоқда янграётган «Хуш келибсиз!» деган овозлар «Грузия» палубасидан айтилган кучли «ура!» овозлари билан қўшилиб кетди.

«Грузия» келиб тўхтаган «Сьерра Маэстра» причалида катта ҳарфлар билан: «Фидель ва Никита», «Тинчлик ва дўстлик» сўзлари ёзиб қўйилган эди. Ҳаммаёқни гул босиб кетган. Совет ва Куба байроқлари ҳилпираб турипти.

Куба ёшларини уларнинг отаоналари, қариндош-уруғлари, дўстлари ва Гавананинг кўплаб меҳнаткашлари билан бирга ҳукумат ва Куба бирлашган революцион ташкилотлари миллий раҳбарлигининг аъзолари кутиб олдилар.

Дастлабки қизғин табриклар, қучоқлашиб ва қўл қисишиб кўришишлардан кейин, ватанга қайтиб келган ёш кубаликлар портнинг катта майдонига чиқдилар. Бу ерда уларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Бузилмас Совет-Куба дўстлиги шарафига айтилган табрик сўзлари тўхтовсиз эшитилиб турарди.

Тантанали митинг Куба Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнларини ижро этиш билан очилди.

Куба ёш коммунистлари союзининг бош секретари Жоэль Иглесиас ўз нутқида бундай деди: биз нинг ёшларимиз улуғ социализм мамлакатида олган билимлар Кубага нақадар катта фойда келтиришини биз ҳаммамиз жуда яхши тушунамиз. Биз аминмизки, бу билимлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, Кубада социализм қуришга ёрдам беради.

Жоэль Иглесиас Куба ёшларини Совет Иттифоқида қардошларча кутиб олганликлари ва уларга ғамхўрлик кўрсатганликлари учун Кубанинг барча ёшлари номидан совет халқига ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдирди.

Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалик механизатори ихтисосини эгаллаган Роландо Альварес Мартинес минбарга чиққанида, қарсаклар анча вақтгача давом этиб турди. У. Советлар мамлакатида бир йил бирга бўлган ўз ўртоқларининг топширигига биноан нутқ сўзлади.

Биз ватанимизга янги катта билимлар олиб ва бу билимларни революциямиз ишига бағишлашга аҳд қилган ҳолда қайтиб келдик, деди у. Биз Совет Иттифоқида ўқиш шарафига муяссар бўлганлигимиздан бахтиёрмиз. Биз Куба халқини ишонтириб айтамизки, бутун кучимизни, бизлар совет дўстларимиздан ўрганган бутун бой тажрибамизни умумий ишимизга — социалистик жамият қуриш ишига бағишлаймиз.

Роландо Мартинес ўз нутқини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига. Ленин комсомоли шарафига, қардош Куба ва совет халқларининг улуғ ва бузилмас дўстлиги шарафига табрик сўзлари билан тамомлади.

Куба ёшларига Гаванагача ҳамроҳ бўлиб келган ВЛКСМ Марказий Комитетининг вакили Андрей Павлов, СССРнинг Кубадаги мувақкат ишлар вакили Н. А. Белоусов ва Куба аграр реформа миллий институтининг президенти Карлос Рафаэль Родригес ҳам нутқ сўзладилар.

Куба революцион ҳукумати, бирлашган революцион ташкилотлар ва мамлакатнинг бутун халқи номидан, деди Карлос Рафаэль Родригес, совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукуматига бизнинг деҳқонларимизни ўз фарзандлари ва биродарларидек кутиб олганликлари учун катта раҳмат айтмоқчиман. Бизга буюк дўстимиз — Совет Иттифоқи кўрсатган ва кўрсатаётган ёрдамни биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Нотиқ Совет Иттифоқида ўқиб келган ёшларга мурожаат қилиб, бундай деб таъкидлади: сизлар Совет Иттифоқида янги дунё — социализм дунёси билан танишдингиз. Инсоният социализм дунёсини ўзининг умиди деб билмоқда ва бизнинг халқимиз бу ерда, ўз ватанида ана шундай дунё қуришни истайди. Биз аминмизки, сизлар ўз мамлакатингизда социализм қуриш ишига катта ҳиссаларингизни қўшасизлар.

Митинг «Интернационал»ни куйлаш билан тамом бўлади.

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ

ЛОНДОН, 26 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ногиндиньдемчиларнинг яна бир ҳарбий эшелонини пастликка ағдариб юборди. Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, бу эшелон Сайгондан 500 миля шимолда жойлашган Куанг-Нкай станцияси районида портлатилган.

ТИГРАН ПЕТРОСЯН — ДАЪВОГАРЛАР ТУРНИРИНИНГ ҒОЛИБИ

КЮРАСАО, 27 июнь. (ТАСС). Даъвогарлар шахмат турнирининг сўнгги 28-даврасида эътибор марказида турган учрашувлар: Петросян-Филип ва Керес-Фишер учрашувлари дуранг бўлди, Геллер-Бенко учрашуви беш соатлик курашдан кейин кечиктирилди.

Шундай қилиб, 27 ноконнитдан 17,5 очко олган москвалик гроссмейстер Тигран Петросян биринчи мукофотни олишга сазовор бўлди. Эстония гроссмейстери Пауль Керес пешқадамдан ярим очко орқада қолди.

Об-ҳаво маълумоти

Бугун кундузи Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлиши кутилади. Эрталаб Тошкентда 16—18, областда 14—18, кундузи Тошкентда 33—35, областда эса 32—36 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ҲАВО БЮРОСИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР

29 ИЮНДА

Рус тилида: 18.00 — «Грушица» ансамблининг концерти (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.40 — Телевизион янгиликлар, 18.55 — Қурилиш ишларининг сифатини текширамиз (саноат ходимлари учун), 19.05 — Биласизми? (музикали эшиттириш).

Ўзбек тилида: 19.40 — Ўқувчилар бригадасида (телевизион очерк), 1950. — Коммунизм қуриш даврининг экономикаси (телевизион лекторий), 20.10 — Телевизион янгиликлар, 20.25 — Истиқбол йўлида, 21.25 — Фотима номли бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 29/VI да **Паранжи сирлари**, 30/VI да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Мен дўстлашган қиз — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 7-40 минутгача).

Амаким — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача).

Бойлигинг бўлгунча, ҳунаринг бўлсин — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 дан), «ВАТАН» (эрталаб 10, кеч 8 ярим ва 10 да).

Спорт шарафи — «ИСКРА» (3-залда кундуз ва кечқурун, кеч соат 8-20 минутдан ҳамма залда).

«Сильва» вилласи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Киши фикрини ўзгартиради (1 ва 2-серия) — «ВАТАН» (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2 ярим ва кеч 5 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9-15 минут ва 10 яримда)

Зумрад — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 10-45 минутда), НАВОИЙ номли.

Бойлигинг бўлгунча, ҳунаринг бўлсин — «ПАХТАКОР».

Кутгил мени — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9-15 минутда).

Амаким — «ВАТАН».

Мен дўстлашган қиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Беҳуда ўтган умр—КАФАНОВ номли.

Биринчи севги қиссаси — ТЕЛЬМАН номли

Буюк Карузо—ПУШКИН номли.

Туғилган кунингиз билан — «УДАРНИК».

Тугалланмаган қисса — «ПОБЕДА».

Тогдаги тревога — «ШАРҚ».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)

1 июлда

КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фароғат Раҳматова**, солистлардан **Суръат Пўлатов, Тожибой Мелиев, Адиба Мирзаева, Умаржон Атоев, Гулсара Еқубова, Йўлдош Муллабоев, Райҳон Тўраева, Анора Исмоилова, Мунаррама Ҳамроева, Назир Турсунов, Мунисхон Казанова, Умаржон Ҳамидов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

30 июнда МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино),

1 июлда ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)

ТОШБОЛТА ОШИҚ

Бош ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Соиб Хўжаев, Турсунхон Жаъфарова, Раззоқ Ҳамроев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Рихсибой Шониров**, солист **Суръат Пўлатов** на бошқалар қатнашади.

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Навоий кўчаси, 39-ийда турувчи **Равила Саиджалолованинг** шу уйда турувчи Саидазим Сайфиддинович Мақсудхўжаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Қарши проезди, 14-уйда турувчи **Хабира Муҳамедованинг** Жар кўча, 87-уйда турувчи Акрам Исроилхўжаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Композитор кўчаси, 9-уйда турувчи **Турғун Еқубович Қосимовнинг** Лабзак кўча, 159-уйда турувчи Маъфират Махсумовна Юсуповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЕРМИСИЗ?

РЕМОНТ ЎН КУНДА ТАМОМЛАНДИ

Ҳали ҳам ўтган йилги воқеа ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Қанчадан-канча гап-сўзлар бўлди. Ремонт ишлари сут боратганлиги учун мажлисларда мактаб директори танқид қилинди.

Клавдия Степановнанинг ҳаловати бузилди. Ҳар куни район ремонт қурилиш идорасига қатнайвериб чарчади. Бир куни бўёқ йўқ дейишса, эртасига бўёқчининг касал бўлиб қолганлигини рўкач қилишарди. Борган сари 37-мактаб ремонти чўзилди. Салкам 3 ой деганда синфлар ремонти қўлдан чиқди. Чиққанда ҳам сифатсиз бўлди. Шу алпозда ўқув йили бошланиб кетди. Бу иш мактаб директори Клавдия Степановнани ёмон аҳволга солиб қўйди. У ўтган йилги йўл қўйилган камчиликларни йўқотишга ҳаракат қилди. Ўқув йили давомида мактабни қайта ремонт қилишга тайёргарлик кўрабошлади. Қурилиш материалларини гамлашга киришди: энг яхши алиф, белилалар тахт қилиниб борилди.

1961-62 ўқув йили тугаши арафасида директор ремонт масаласи билан яна жиддий шуғуллана бошлади. Партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари билан бу ҳақда батафсил гаплашиб, улардан ёрдам сўради. Мактаб маъмуриятн ремонтни уюшқоқлик билан бошлаш юзасидан бирмунча зарур тадбирларни белгилади.

Шундай қилиб бу йилги мактаб ремонти ўқувчиларнинг кучи билан қилинадиган бўлди. Ҳар бир хонани ремонтдан чиқаришга бошчилик қилиш синф раҳбарларининг зиммасига юклатилди. Мактабда бўёқчи, суворчи, дурадгорлик ва тозаловчи — супурувчилар бригадаси тузилди. Бу бригадаларда ўқитувчилардан Г. И. Бенаминов, С. М. Черкасская, Н. А. Тугалюков, Е. Ф. Сиддиқов ўртоқлар бошчилик қилдилар. Улар қурилиш материаллари билан тўла таъмин этилди. Натижада ишда узилиш бўлмади. Ремонт бригадасига аъзо бўлган ўқувчилар бири-иккинчисидан қолишмасдан ҳалоллик билан ишладилар. Дурадгорлар сувоқчилар билан мусобақалашиб меҳнат қилдилар. Бўёқчилардек супурувчилар ҳам ишни яхши баҳоларга топширдилар. Ҳуллас ҳар бир ўқувчи ўзи ўқиб билим оладиган синф хонасини оқлади, ойналарини ювиб бўяди. Парталарини тузатиб тартибга келтирди.

— Ўқувчилар пионерлар хонасини, зални, коридорларни ҳам ремонтдан чиқаришди, — деб жавоб беради мактаб директори ўртоқ Соколова.

Энди директорнинг кўнгли тоғ эди. Қўлидаги ўқувчилар номи ёзилган катта рўйхатни бизга кўрсатиб деди:

— Мана, булар, 6, 5, 7-синф ўқувчилари. Уларнинг самаралн ва ҳалол меҳнати билан мактаб ремонти жуда тез тамом бўлди. Ҳаммаси бўлиб ремонтни ўн кун ичида тамомлашга муваффақ бўлдик. Бу билан катта ишни амалга оширдик. Кўплаб давлат маблағини тежаб қолдик.

Биз директор билан биргаликда синфларни айландик. Ҳамма иш тажрибали ишчилар томонидан дид билан қилинганга ўхшайди. Пол ва потолоклари бир текисда бўялган.

— Энди биз, — деб жавоб қилишди улар, — парталарни авайлаймиз, ойна, эшик, доскаларни синдиримаймиз, уларни кўз қорачиғидек сақлаймиз. Озодачилик учун кураш асосий шиоримиз бўлади.

Ҳа, биз уларнинг бу гапига ишонамиз. Чунки ўқувчилар ўз билимларини ишлаб чиқариш билан боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Меҳнатларининг қадри-қимматига етиш учун ҳаракат қилаётирлар.

М. ҒОЗИЕВ.

Киров райони.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим вазифа"

Газетамизнинг шу йилги 14-сонида ана шу сарлавҳа остида босилган бошмақолада Тошкентдаги 1- ва 2-тикувчилик фабрикаларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатсизлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг маҳсулот сифати бўйича бош инспектори ўртоқ Г. Кокоревнинг редакцияга маълум қилишича мақолада келтирилган фактлар теширишда тўла тасдиқланган. 1 ва 2-тикувчилик фабрикаларида маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бир қатор амалий чоралар кўрилган. Чунончи 2-фабрикада Халқ хўжалиги кенгашининг енгил саноат бошқармаси ва маҳсулот сифати бўйича техник комиссиясининг раҳбарлари, Фрунзе район партия комитетининг секретари ҳамда «Узторгодежда» ходимлари иштирокида корхона ходимларининг махсус конференцияси ўтказилган. Унда маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича сифат кўргазмалари чуқур таҳлил қилинган.

Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилган.

Халқ хўжалиги кенгаши 1 ва 2-тикувчилик фабрикаларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини алоҳида контроль остига олган.

АЛП

ОЙДАН ТУШГАН ТОШЛАР

Тош асридан буён одамлар Ер юзасида ва тупроқда қора ва яшил рангли галати ойналарни учратиб келадилар. Бу ойналар шакли жиҳатдан шар, тухум, нок, пиёз, тарелкаларга ўхшайди. Улар тектитлардир. Уларнинг катталиги бир неча сантиметрга етади. Олимлар тектитларнинг келиб чиқиши ҳақида 150 йилга яқин баҳслашдилар. Яқингача тектитлар ердаги ёнғин ёки портлашлар натижасида пайдо бўлади деган фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил қиларди. Ҳозир аҳвол ўзгарди. Тез ҳаракат қилувчи электр-ҳисоблаш машиналари ва аниқ физик-химик анализлар орқали текширишнинг янги методлари туфайли тектитларнинг космик пайдо бўлиши тасдиқланди.

Аэродинамика соҳасида ишловчи австралиялик ва америкалик олимлар тектитларнинг характерли шакли уларнинг ер атмосферасини ёриб ўтиш шароитига боғлиқлигини аниқладилар. Тектитлар, ҳаракати секундига 10—13 километр тезликда бўлган ва горизонт билан 6 дан 17 даражагача бурчак ҳосил қилиб учганда, ҳисобларга кўра, шубҳасиз Ернинг вақтинча йўлдошлари бўлиб қолиши, ер атрофида бир ёки бир неча марта айланиб, сўнгра орбитадан чиқиб ер шарининг маълум жойига тушиши керак. Худди шу йўл билан Австралия, Индонезия, Ҳинди-Хитой, АҚШ, Чехословакия ва бошқа жойлардаги минг километрлик тектит майдонлари пайдо бўлган бўлса, эҳтимол.

Совет Иттифоқида тектитларни Москва, Ленинград ва Киевда мунтазам ўрганилмоқда. Совет олимлари тектитларнинг химик состави жиҳатдан ердаги нарсалар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмаслигини кўрсатдилар.

Тектитлар Ерга бир неча марта учиб келган. Уларнинг энг қадимгиси — чехословак тектитларига 4 миллион йил бўлган. Энг ёш — Австралия тектитлари инсон яшаётган вақтда тушган.

Тектитлар учаётган вақтда қузатилганми? Бу ҳақда маълумотлар жуда оз бўлса ҳам, кузатилган бўлиши керак. Бу ўринда Канада астрономи Хантнинг 1913 йил 9 февралдаги ғайритабиий осмон ҳодисаси ҳақида ёзиб қолдирганлари катта қизиқиш туғдиради. Ракета ёки ҳозирги замон Ер сунъий йўлдошларининг учишига ўхшаган бу осмон ҳодисасини Канада, АҚШ ва бошқа қўшни мамлакатларнинг миллионлаб аҳолиси кузатган.

«Кеч соат 9-у 05 минутга яқин осмоннинг шимоли-ғарб томонида, деб ёзади Хант,— бирдан олов-ранг-қизил жисм пайдо бўлди. У тез яқинлашар ва катталашар эди. Бироздан сўнг унинг орқасида узун дум кўринди... Оқиб келаётган думнинг ранги бош қисмнинг рангида эди, бу ракетанинг учишини эслатади. Бироқ ракетадан фарқи шунда эдики, у жисмнинг Ерга тортилишини пайқаб бўлмасди. У ғайритабиий ҳолда, олдинга мутлақо горизонтал йўналишда борарди. Уфқнинг жанубий-шарқига бориб, аста олислаб йўқ бўлиб кетди... Биринчи метеоритдан даяжонга тушиб турганимизда, шимоли-ғарбда ўша жойнинг ўзида бошқа жисмлар пайдо бўлди. Улар ҳам олдинга шошмасдан, иккитадан, учтадан ва тўрттадан бўлиб учарди. Уларнинг ҳам орқасида думи бор эди. Лекин бу думлар биринчи галдагига ўхшаган ёрқин ва узун эмасди. Уларнинг ҳаммаси осмоннинг жанубий-шарқ қисмидаги битта нуқтадан кесиб ўтди... Бу жисмлар йўқ бўлиб кетгач кўп жойларда нотекис йўлдан бораётган ёки кўприкдан ўтган экипажнинг шовқунига ўхшаш тарақ-туруқ овозлар эшитилди. Шундай овозлардан учтаси бошқаларидан фарқ қилиб тўхтаб-тўхтаб чиқди. Шунда кўп одамлар учун ер қимирлагандек ёки уй ларзага келгандек туйилди... Қузатилган ҳодиса тахминан 3,3 минутга давом этди».

Ҳозирча тектитларнинг космик пайдо бўлиши ҳақида бирдан-бир аниқ фикр йўқ. Улар емирилган планеталарнинг юқори қисмидан тушган парчалар, комета ва гоят улкан метеоритларнинг зарбаси натижасида сачраган ер жисмлари бўлиши мумкин. Аммо уларнинг Ойдан учиб келгани ҳақиқатга яқин.

Тектитларнинг Ой вулқонларида пайдо бўлиши ҳақидаги фикр ўтган асрдаёқ туғилган эди, лекин у вақтда бу фикрдан кулишганди. 1957 йили электрон машина ёрдамида метеоритларнинг Ой сатҳига урилиши натижасида Ой материгининг Ерга тушиши исботланди. Ойнинг шарқий ярим шари ўртасида Австралия тектитлари уриб туширилган жой топилди. Бу ишларнинг натижалари бир неча йил жавобсиз қолди. Фақат 1960—1961 йиллар «ой назарияси» тарафдорлари сони тез ўсабошлади. Бунга Ойнинг орқа томони суратга олинганлиги сабаб бўлди.

Тектитларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги «ой» назарияси энг ўткир ва бир мунча асослидир. Мен бу ҳақда яқинда Ленинградда Бутуниттифоқ меторит конференциясида сўзлаб бердим.

Геннадий ВОРОБЬЁВ,
геолог-география фанлари кандидати.

ИҲҚОЛСИЗ ХУРОФОТ!

БИДЪАТЧИНИНГ ИҚРОРИ...

18 февралда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 35-сонида менинг ҳақимда «Найрангбоз» деган фельетон босилиб, унда менинг қуръон калит қилганим ҳаққоний танқид қилинган эди. Шу мақола асосида мени яшаб турган жойимда маҳалла аҳолисининг 180 дан ортиқ вакиллари иштирокида ўртоқлик судида суд қилишиб, қаттиқ танбиҳ беришиб ўзларининг кафилликларига олдилар. Сўнг мени тергов органлари ҳам тергов қилиб қарилигимни назарга олиб жавобгар қилмади. Чунки мен қилган хаталаримни очиқ-ойдин бўйнимга олдим. Шу муносабат билан редакциядан илтимос шуки, газета орқали газетхонларга еткурсангизки, мен ўз хаталаримга иқрорман ва шуни айтмоқчиманки, қурьон-калит, ионковшар қилиб ўғрини аниқлаш мутлақо мумкин эмас, бу ёлғон, диний хурофотдир. Шунингдек иссиқ-совуқ, эзиб ичи, илми-амал, инси-жинс, кинна, фолбинлик, азаймхонлик, мозордан нажот сўраб сиғинишлик ҳаммаси нотўғри, бидъатдир.

Мен ёшлигимда мозор ҳақида бир ҳикоя эшитган эдим:

Бир йигит «Ҳаридарбон» мозорининг шайхига 35 йил хизмат қилибди. Кунларнинг бирида, шайх, ўша йигитни ўз дарғоҳидан ҳайдабди. Йигит шайхнинг этагига ёпишиб, сизга 35 йил хизмат қилдим, мени рози қилинг деб ялиниб-ёлборган экан, шайх унга битта қари эшак бериби.

Йигит эшакни миниб ўз юртига жўнабди. Биёбонларни кезиб икки кун деганда катта йўл соҳилига чиқиб бир бекатга етай деб қолганда, эшак ўлибди. Йигитнинг жони-жаҳони куйиб, эшакни кўмиб турган экан, тўртта йўловчи келиб қолибди: — Кимингиз ўлди биродар, кимни кўмаётибсиз? Йигитнинг энсаси қотиб:

— Пирим Радикорий шу ерга келганларида дорил бақодан-дорил фанога рихлат қилдилар, дебди. Йўловчилар, Радикорийнинг қабрини зиёрат қилишиб, йигитни қўлига назр-ниёз беришиб фотиҳа ўқиб кетишибди.

Таълимкарда йигит, Радикорий мозорида шайхлик қилабошлабди. Карвон йўлида пайдо бўлган қабрнинг зиёратига ҳар тарафдан одамлар келабошлабди. Тез кунда Радикорий мозори зиёратгоҳга айланибди. «Кимки, Радикорийга ихлос қилиб мозорларига бетини сурса, нима талаби-муроди бўлса етармиш». Миш-мишлар, тарқалиб йироқ-яқиндан ўз дардларига даво истаган бечоралар қўй-эчки, тана, хўкиз етаклаб келаверибди. Шу муносабат билан аввалги зиёратгоҳга одамлар кам борадиган бўлиб қолибди. Бундан ғазабланган шайх қаландарона кийниб ўзини сездирмай, Радикорий шайхини кўргани келиб қарасаки, ўзи ҳайдаб юборган хизматкори. Ие, бу қанақаси бўлди деб ўзини таниниб, хилватда у билан сирлашибди.

— Сени доврингг ҳамма ёқни тутиб кетди-ку. Бу марҳум Радикорийнинг насли-насабларини менга тушунтириб берсанг дебди.

— Радикорийнинг насл-насаби ўзингизнинг хонозод эшакларингиздан, ўша ўзлари берган кулранг эшак. Шу ерга келганда вафот қилдилар. Отларини Радикорий қўйиб мозорларида шайхлик қилаяпман, — депти.

— Отангга раҳмат, дамингни чиқарма, мен шайхлик қилаётган мозор ҳам шу кўк эшакни волидасининг мозори. Оғзингга эҳтиёт бўл, — дебди устоз шайх.

Бу энди бир мисол. Эсинг бўлса топиб ол деган гап.

Мозорларни озода сақлаш, қабрларга чиройли саганалар қуриш яхши нарса. Лекин мозорга сиғиниб ўлган ўликка қўй-эчки олиб бориб, ўликдан мадад сўрашлик мутлақо хатодир.

Фолбиннинг кирди-кори шайхнинг найрангидан бешбаттар. Содда одамларни авраб пулини шилади. Азаймхонлик эса фолбинликни бир туридир. Унга ким рўбарў келса, «сени жин урибди» деб олдига ўтқазиб олиб, у жин урганга бу жин урган тикилиб куф-суфлаб, касалнинг дардини улғайтиради Қисқа қилиб айтганда, булар энг ашаддий пораҳўрдан ёмон, оловни ҳам ютиб юборадиган нафси бузуқлардир. Мен ҳам оз-моз шундай ишлардан бохабар эдим. Энди шу хилдаги ишлардан воз кечдим. Бидъат батқонга ботиб, қутилаолмай юрганларга маслаҳатим шуки, домлаларнинг ҳар қандай диний мўъжизаларига ишонманглар.

Олимхўжа ТИЛЛАХЎЖА ўғли.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885 Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурҳ» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 11104. Нашр. Г. 1623.